

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил 15 апрель куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи: В.Сиддиков,
ҳайъат судьялари: А.Омонов ва Б.Хайдаровдан иборат таркибда, Х.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ғ.Рўзиев ва ҳимоячи Р.Абдуллажановларнинг иштирокида, Ш.У.Шга оид жиноят ишини ҳимоячининг кассация шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 11 сентябрдаги ҳукмига кўра:

Ш.У.Ш, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оиласи билан ажрашган, 3 нафар фарзанди бор, мукаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 07 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида 6.000.000 сўм жарима жазосига;

2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 27 февралдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддаси тартибида, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида 6.000.000 сўм жарима ва 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосига судланиб, шу суднинг 2024 йил 4 июлдаги ажримига кўра, ЖКнинг 48¹-моддаси тартибида ўталмаган 3 йил 5 ой 7 кун жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 11 мартдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 4 июлдаги ажрими бекор қилинган, 2024 йил 20 июлда камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил 6 ой, ЖКнинг 60-моддаси тартибида, 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁶-моддасига кўра, суд мажлиси жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум Ш.У.Шнинг иштирокисиз ўтказилди.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.У.Ш хавfli рецидивист бўлгани ҳолда, 2024 йил 4 апрелда О.Ахунбаевнинг Фарғона шаҳар, Фаробий кўчаси,



9-уй, 8-хонадонига гўёки ўзини ижара асосида яшаш учун боргандек кўрсатиб, мазкур хонадонда ижара асосида яшаб келаётган Ф.Юсуфовани уйда йўқлигидан фойдаланиб, унинг нархи 4.025.000 сўмлик кийимлари, ҳамёнидаги 300 АҚШ доллари (3.810.000 сўм) ва 1.050.000 сўмини ва нархи 2.500.000 сўмлик 1 дона тилло сирфасини яширин равишда талон-торож қилганликда айбланган.

Ҳимоячи шикоятда, Ш.У.Шнинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити ва қарамоғида 3 ёшга тўлмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Хайдаровнинг маърузасини, прокурор Ғ.Рўзиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Р.Абдуллажоновнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Ш.У.Шнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги, судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи Ф.Юсуфова ва гувоҳ З.Журабоеваларнинг кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, нарсани олиш ва кўздан кечириш, нарсани таниб олиш баённомалари ва уларга илова қилинган фотосуратлар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз исботини топган ҳамда унинг ҳаракатлари ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди томонидан иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, Ш.У.Шнинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келинган бир вазиятда, унга жазо тайинлашда жазо меъёрига таъсир этиши мумкин бўлган омиллар ҳисобга олинмаган.

Хусусан, Ш.У.Шни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деб ҳисоблаб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазо турини тўғри тайинлаган бир вазиятда, содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфли даражаси, оилавий шароити, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлиги, аёллиги каби жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи, унинг шахсини тавсифловчи ва ўз навбатида жазони енгиллаштирувчи объектив ва ижтимоий омилларни ҳисобга олмасдан, унга меъёри жиҳатдан қилмишига нисбатан бир мунча оғир жазо тайинлаган.

Шу билан бирга, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 4 июлдаги ажримига кўра, ЖКнинг 48¹-моддаси тартибида Ш.У.Шнинг ўталмаган 3 йил 5 ой 7 кун жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, мазкур ҳукмга ЖКнинг 60-моддаси тартибида қўшилган бўлиб, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 11 мартдаги ажрими билан ушбу ажрим бекор қилинганлиги сабабли ҳозирда мазкур ҳукм билан тайинланган жазога илгариги



ҳукм билан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўталмаган қисмини қўшиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, маҳкумга ахлоқан тузалиши, у ва бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши;

ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм айбдорга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтириш берилган.

Кассация инстанцияси суди, Ш.У.Шга жазо тайинлашда юқоридаги қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, унинг судланмагани, айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити, шахси, қарамоғида уч нафар фарзанди борлиги ва аёллигини жазони енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдоридан ҳам камроғини белгилашни, мазкур ҳукм билан тайинланган жазога илгариги ҳукм билан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўталмаган қисмини қўшишни лозим топади

ЖПКнинг 490-моддасида, жазо жиноятнинг оғирлигига, маҳкумнинг шахсига номувофиқ бўлса ёки жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган доирадан четга чиқмасдан тайинланган бўлса-да, бироқ тури ёки меъёри бўйича ўта енгил ёки ўта оғир бўлса, адолатсиз ҳисобланиши;

485-моддасида, жазонинг адолатсизлиги ҳукмни ўзгартириш учун асос бўлиши белгиланган.

509⁹-моддасига мувофиқ, кассация инстанция суди, биринчи инстанцияси судининг ҳукмини ўзгартиришга ҳақлилиги белгилаган.

Юқоридагиларга кўра судлов ҳайъати, Ш.У.Шга оид суд ҳукмини ўзгартириб, унинг кассация шикоятини эса қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485, 490, 509⁹ ва 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ш.У.Шга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 11 сентябрдаги ҳукми ўзгартирилсин.



Ш.У.Шга Ўзбекистон Республикаси
ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб,
тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси 3 йилга келтирилсин;

ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида мазкур жазога илгариги ҳукм билан
тайинланган жазосини ўталмаган қисмини қўшиб, ҳукмлар мажмуи бўйича узил
-кесил 3 йил 4 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 20 июль кунидан ҳисоблансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилиб, келтирилган кассация
шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Ажрим устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов
ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/ В.Сиддиков

Ҳайъат судьялари: /имзо/ А.Омонов

/имзо/ Б.Хайдаров

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья Б.Хайдаров

